

АЁЛЛАРГА МУНОСАБАТ ҲАҚИДАГИ ОЯТ ВА ҲАДИСЛАР

Зулфия Шокирова

*ЎзХИА “Араб тили ва адабиёти ал Азҳар” кафедраси
доценти.*

Жоҳилият даврида аёлларга паст назар билан қаралган. Агар эркак киши вафот этса, унинг хотини ҳам бошқа мол мулки қатори қариндошларига мерос бўлиб қолар эди. Мерос қолган аёлга эркакнинг қариндоши уйланар ёки бошқасига эрга бериб, унинг маҳрларини ўзларига олиб қолишарди. Ислом вужудга келгач эса, жоҳилия даврида аёл кишига зулм ва жабр шаклида жорий қилинган одатлар Нисо сурасининг 19 ояти нозил бўлгач, аёлларга қилинадиган зулмга чек қўйилди. Ушбу оятда:”Эй иймон келтирганлар! Сизларга аёлларни зулм ла меросга олиш ҳалол эмас. Очик фахш иш қилмасалар, берган нарсаларингизнинг баъзисини олиш учун уларни зўрлик ла ушлаб турманг ва улар ила яхшилиқда яшанг. Агар уларни ёқтиирмасангиз, шоядки, Аллоҳ сиз ёқтиирмаган нарсада кўпгина яхшиликларни қилса”, дейилган. Ушбу суранинг 128 ояти орқали аёлларга уни ёқтиирмаган турмуш ўртоғи ёнида қолишига ҳам ҳуқуқ берилди:” Агар аёл киши ўз эридан ёқтиирмаслик ва юз ўгириш содир бўлишидан қўрқса, икковлари ўзаро сулҳга келишишларида уларга гуноҳ йўқ. Сулҳ яхшидир. Нафсларга зиқналиқ ўрнаштирилгандир. Агар яхшилик ва тақво қилсангиз, албатта Аллоҳ нима қилаётганингиздан ўта хабардор Зотдир”. Бу оятга кўра хотинидан нафратланиб, уни талоқ қилмоқчи бўлган ёки юз ўгириб, тек ташлаб қўймоқчи бўлган эркак ўша хотиннинг ажрашиш истагини йўқлигини билгач, унга яхшилик қилиб, тақво юзасидан ўзи билан олиб қолса, яхши бўлади. Қуръони каримда аёлларга қандай муносабатда бўлиш ҳақидаги оятлардан ташқари аксинча, аёллар ўз турмуши ўртоғи учун яхши хотин бўла олиш нимадан иборат эканлиги ҳақидаги оятлар ҳам мавжуд:.... Солиҳа аёллар – итоаткор ва Аллоҳнинг ҳифзи-ҳимояси бўйича ғойиб (эр)ларининг муҳофазасини қилувчилардир” (Нисо;34) дейилган. Шунингдек, Қуръони каримда ҳажми жиҳатдан иккинчи ўринда турувчи сура “ан Нисо” “Аёллар” деб номланади ва унда аёллар тўғрисидаги кўп ҳукмлар келтирилган.

Аёлларга қандай муносабатда бўлиш кераклиги ва уларнинг улуғланишини Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг кўплаб ҳадиси шарифларида ўқишимиз мумкин. Оиша розийаллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисда эркакларга ўз аёлларига яхшилик қилишга чақирилганини кўрамиз:“Сизларнинг яхшиларингиз аҳлига яхши (муносабатда) бўлганингиздир. Мен сизларнинг ичингизда ўз аҳлига энг кўп яхшилик қиладиганингизман”, деганлар. Пайғамбар с.а.в.нинг ўзлари ҳам барча аёлларига уй юмушларида ёрдам берганлар. Пайғамбар с.а.в. : “Аёлларнинг энг яхшиси – назар солганингда

сени хурсанд қиладиган, буюрганингда сенга итоат қиладиган ва сен йўғингда ҳам ўз нафсини ва сенинг молингни муҳофаза қиладиган аёлдир”, деганлар. Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган яна бир ҳадисда:”Аёлларга (яхши) муомалада бўлинглар, чунки аёл қовурғадан яратилган. Қовурғанинг энг қийшиқ жойи унинг юқорисидир. Уни тўғрилашга уринсанг, синдириб қўясан, агар ташлаб қўйсанг, қийшиқлигича қолаверади. Бас, аёлларга (яхши) муомалада бўлинглар!», дейилади. Замонимиз олимларимиздан Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ушбу ҳадиси шарифни: «Аёл қовурғадан яратилган», деганда Ҳавво онамизнинг Одам алайҳиссаломнинг қовурғасидан яратилгани назарда тутилган. «Қовурғанинг энг қийшиқ жойи унинг юқорисидир», дейилганда аёлнинг эркақдан ақлу тафаккурда, ҳистуғуларда фарқли эканига ишора қилинган. «Уни тўғрилашга уринсанг, синдириб қўясан», дегани «Ундан ўз табиатига зид нарсани талаб қилсанг, Аллоҳ берган хусусиятларини ўзгартиришга уринсанг, ундан айрилиб қоласан, ажрашишингга тўғри келади», деганидидир. Чунки жамиятдаги ўз вазифасини бажариши учун аёлга ўша табиат керак. Бир сўз билан айтганда, у шуниси билан аёл. Бироқ бу кўрсатма аёлликка хос бўлган хусусиятларгагина тегишли. Аммо аёлда меъёрдан ташқари ҳатти-ҳаракатлар, одобсизлик, шариат чегараларидан ташқари ҳолатлар кузатилса, у ҳолда уни мулойимлик билан тўғрилаш керак бўлади. Шу боис ҳадисда «агар ташлаб қўйсанг, қийшиқлигича қолаверади», дейиш билан бунда ҳам меъёр бўлиши кераклиги, ҳар қандай ишни аёлликка тўнкаб, ўзни оқлаш ярамаслиги уқтирилмоқда”, деб шарҳлайдилар.

Аллоҳ таъало аёлларга она бўлиш баҳтини берган. Барчамизни онамиз дунёга келтиради. Аёл она бўлар экан фарзандини 9 ой қорнида олиб юриб, уни дунёга келтириш вақтида азоб уқубатлар тортади, лекин фарзанди туғилгач, барча азобларни унутади. Луқмон сурасининг 14 оятида ота-онага яхшилик қилиш ҳақида буюрилади ва онанинг фарзандни дунёга келтириши ва вояга етказиш учун қийинчиликларга бардош бериши ҳақида шундай дейилган: “Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) буюрдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қорнида) кўтариб юрди. Уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (битар). (Биз инсонга буюрдикки) “Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Қайтишлик Менинг ҳузуримгадир”. Оналарнинг фарзанди учун чеккан мاشаққатлари муносиб тақдирланиши кераклиги, унинг фарзандидаги ҳаққи қай даражада эканлигини ушбу ҳадиси шарифда кўришимиз мумкин: “(Бир киши томонидан:) “Эй Расулуллоҳ, кимга яхшилик қилай”, дейилди. У зот: “Онангга”, дедилар. У: “Кейин кимга (яхшилик қилай)”, деб сўради. У зот: “Онангга”, дедилар. У: “Кейин кимга (яхшилик қилай)”, деди. У зот яна: “Онангга”, дедилар. У: “Кейин кимга (яхшилик қилай)”, деганида, у зот: “Отангга”, дедилар”.

Аёлларнинг шаъни улуғланган ва уларга қандай муомлада бўлиш кераклиги ҳақидаги кўплаб Қуръони карим оятлари ва Пайғамбар с.а.в.нинг

ҳадисларидан мисоллар келтиришимиз мумкин. Уларни ўрганар эканмиз испломда аёл киши жамият ва оиланинг асоси ҳисобланиши, унинг зиммасига энг муҳим вазифалар юклатилиши билан бирга уларнинг ҳақ ҳуқуқлари ҳам тўлиқ таъминланганини кўрамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:

1. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. “Hilol Nashr”, Т.: 2017.
2. Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид. Аёл нега қовурғадан яратилган. Muslimaat.uz.
3. Hadis.uz.
4. Мансур Абдулазиз. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси ва тафсири. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2019. – 604 б.
5. 28. Shaxnoza, A. (2022). PROSODIC FEATURES OF SPEECH FORMS OF ADDRESS IN ENGLISH DISCOURSE IN COMPARISON WITH RUSSIAN. Journal of Modern Educational Achievements, 3, 33-38.
6. 29. Артикова, Ш. М. (2023). Специфика Функционирования Плеоназмов В Русском И Английском Языках. Miasto Przyszłości, 33, 250-254.
7. 30. Artikova, S. (2022). PROSODIC FEATURES OF SPEECH FORMS OF APPEAL IN ENGLISH DISCOURSE IN COMPARISON WITH INTERNATIONAL LANGUAGES. Conferencea, 144-145.
8. 31. Artikova, S. (2022). PROSODIC FEATURES OF SPEECH FORMS OF ADDRESS IN ENGLISH DISCOURSE IN COMPARISON WITH DIFFERENCE INTERNATION LANGUAGES. American Journal of Interdisciplinary Research and Development, 3, 55-59.
9. 32. Artikova, S. M. (2020). About the importance of teaching foreign languages in the republic of Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 5(85), 79-83.
10. 33. Artikova, S. M. (2020). О НЕОБХОДИМОСТИ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. Theoretical & Applied Science, (5), 79-83.
11. 34. Artikova, S. (2022). PROSODIC FEATURES OF SPEECH FORMS OF APPEAL IN ENGLISH DISCOURSE IN COMPARISON WITH RUSSIAN. Conferencea, 142-143.
12. 35. Artikova, S. (2022). FEATURES OF SPEECH FORMS OF ADDRESS IN ENGLISH DISCOURSE IN COMPARISON. American Journal of Interdisciplinary Research and Development, 3, 60-63.
13. 36. Артикова, Ш. М., & Муминова, М. А. (2011). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ИЗУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА В ТЕХНИЧЕСКИХ ВУЗАХ. УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА, 55.